

---

## Яқин қариндошим вирусга чалинган. Ундан хабар олиш мумкинми?

April 11, 2020



Яқин қариндошим вирусга чалинган. Ундан хабар олиш мумкинми?

Бугун АОКА штабида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси бошлиғи Нурмат Атабеков иштирокида брифинг [бўлиб ўтди](#). Мутахассис ижтимоий тармоқлар орқали берилган саволларга жавоб қайтарди.

**- Айтишларича, пластик карточка ва нақд пул ўзида вирусни сақлар экан. Супермаркетларда касса олдида иккита одам қўйиб, биттаси пул ва пластик карточкаларни қабул қилса, иккинчиси (қўлини тез-тез дезинфекция қилиб турган ҳолда) харид қилинган нарсаларимизни кассадан ўтказиб турса бўлмайдами?**

- Ҳақиқатдан ҳам нақд пулларда коронавирус қўзғатувчиси узоқ муддат сақланиб қолиши ҳақида маълумотлар бор. Шу муносабат билан банк тизимида нақд пулларни зарарсизлантириш бўйича жуда кўп ишлар қилинмоқда.

Нақд пул тарқатиш пайтида камида 10 кун сақланган пулларни муомалага чиқаришяпти. Янги пластик карточкаларни беришда ҳам шундай тизим мавжуд. Нафақадаги одамларга нафақа пуллари махсус пакетларда тарқатилмоқда. Нақд пул ва пластик карталар билан ишлайдиган мутахассислар дока ниқобларда, бир маротабалик қўлқопларда фаолият олиб боришмоқда.

Ҳозирги вақтда фаолият юритаётган катта савдо мажмуалари ва деҳқон бозорларига кираверишда харидорларни термометриядан ўтказиш, қўлларини дезинфекция қилиш, ниқоб тақиш устидан мунтазам равишда назорат ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, кассалардаги сотувчиларнинг перчаткаларда ишлаши, уларни доимо дезинфекция қилишлари жорий этилган.

---

Биз барча шу каби ҳолатларни қўллаб-қувватлаймиз ва бу ҳақда тадбиркорларга тегишли <sup>1 / 3</sup> кўрсатмалар берилган ва ижроси назоратга олинган.

Кассаларда иккинчи сотувчини қўйиш — бу ҳақда тадбиркорлар ўйлаб кўриши керак экан.

---

## **- Коронавирус учун антитаначаларга қаерда тест топшириши мумкин?**

Ўзбекистонда қонда антитанача титрларини аниқлаш учун экспресс тестлар мавжуд. Коронавирусдан тузалган беморлар сони камлиги сабаб, ушбу усул кенг қўлланилмаяпти. Даволаш мақсадида соғайган беморлар қонидан фойдаланмоқчи эканлигимизни инобатга олиб, коронавирус учун антитаначалар титрини албатта текшириш зарур. Коронавирус учун антитаначалар тести вирусология лабораторияларида амалга оширилади. Натижаларни 15-20 дақиқадан сўнг олиш мумкин.

Россия Федерациясида экспресс тестлардан ташқари имунфермент таҳлил (ИФА) тест ишлаб чиқилди.

## **- Карантин муддатини ўтаганларни нега яна қайта карантинга олиб кетишяпти? Агар карантин вақтида юқтириб олган бўлса, кимнинг хатоси бу?**

- Карантин 14 кунга мўлжалланган, шу кун давомида бемор аниқланса, охириги ҳолат қайд этилмай карантин яна 14 кунга чўзилади.

Агар карантин вақтида инфекция юқтириб олинса, биринчи навбатда, одам ўзини айблаш керак. Демак, бу одам карантин вақтида тегишли тартиб-қоидаларга риоя қилмаган.

## **-Коронавирус ва гриппдан соғайгандан кейин инсон организмидаги ўзгаришлар фарқи нимада? У қадар оғир асоратлар бўлмаса, мамлакатнинг иқтисодий инқирозига сабаб бўладиган карантин тадбирларига ҳожат борми?**

- Карантин ва чекловчи чора-тадбирларсиз коронавирус аҳоли ўртасида жуда тез тарқалади ва кўп одамларда оғир асоратлар кузатилиши мумкин. Натижада эса нохуш оқибатлар, яъни ўлим ҳолатлари кўпайиш эҳтимоли бор.

## **- Тиббиёт ходимларимиз қанақа тестдан фойдаланишади? Бу тест қай даражада аниқ натижа кўрсатади?**

- Бугунги кунда мамлакатимизда Германия, Россия, Хитойда ишлаб чиқарилган тест тизимларидан фойдаланилади. Натижаларнинг ўзига хослиги — 100 фоиз.

## **-Тест текшируви ва натижа аниқ бўлгунча қанча вақт ўтади? Бу тестлар қаерда ишланади? Лабораторияларимизда бир кунда нечта тестни қайта ишлаш имконияти мавжуд?**

- Ҳозирги вақтда коронавирусни ПЦР усулида аниқлаш учун ўртача 6-8 соат вақт кетади. Таҳлилларнинг давомийлиги уларнинг ҳажмига боғлиқ.

ПЦР — амплификатор, амплификация босқичида вирус геномини селектив кўпайтириш. Агар планшетлар ишлатилса 96 та катаги бор, демак 96 та таҳлил бир вақтда тайёр бўлади, агар Rotor-J бўлса, 36,72,100 таҳлил натижаси чиқади.

Битта лабораторияда бир кунда ўртача 400 тагача таҳлилни қайта ишлаш мумкин.

## **- Мени бир яқин қариндошим вирусга чалинган. У билан қандай мулоқот қилишимиз мумкин? Учрашув хоналари борми?**

- Коронавирус касаллигига чалинган беморлар ҳақида маълумот олиш мумкин. Бунинг ҳеч қандай қийинчилиги йўқ. Мазкур касалликка чалинган шахслар даволанаётган муассасанинг телефон рақамини «Маълумотлар бюроси»дан олиш мумкин. Аксарият юқумли касалликлар шифохоналарида мобил телефонлари беморларнинг ўзларида қолган.

## **- Ижтимоий тармоқларда карантинга олинган фуқароларни сақлаш учун қурилган махсус шифохоналарда яратилган шароитлар талаб даражасида эмаслиги ҳақида айтиляпти. Бу муаммони бартараф этиш бўйича ишлар амалга ошириляптими?**

- Бу объект ўта қисқа муддатларда барпо этилди. У ерда вақтинча бўлиб турган фуқароларга барча шарт-шароитлар яратиб беришга ҳаракат қилинди. Албатта бирданига идеал шарт-шароит

---

қилинмаган бўлиши мумкин. У ердаги одамларни кам сонли қилиб алоҳидалаш, яшаш ва овқатланиш шароитларини қилиб бериш бу осонликча амалга оширилмаяпти.

Фуқороларимиз яшаётган вагонларда ҳожатхона, кондиционер, «Ўзмоби́л» телефонлари ўрнатилган. Овқатланишлари учун бир маротабалик идишлар ташкил қилинган бўлиб, ишлатиб бўлинган идишлар ва овқат қолдиқлари махсус криматорийларда ёқиб ташланмоқда.

Тошкент шаҳар ҳокими қарийиб ҳар куни ушбу шаҳарчага бориб, фуқароларга яратилган шарт-шароитлар билан танишмоқда ва мавжуд ёки юзага келган муаммоларни зудлик билан бартараф этиш чораларини кўрмоқда.

Манба: [xabar.uz](http://xabar.uz)

2020-04-11 16:34:46